



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистонда Google Trends маълумотларидан
фойдаланган ҳолда иқтисодий фаолликни баҳолаш

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ДЕПАРТАМЕНТИ

И. Инхомиддинов

Тошкент 2023

Ўзбекистонда Google Trends маълумотларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий фаолликни баҳолаш

Иқтисодий ўзгаришлар даврида Марказий банкнинг самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириши учун иқтисодиётнинг жорий ҳолати бўйича тезкор ва аниқ маълумотлар муҳим ҳисобланади.

Бироқ, одатда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар маълум бир кечикиш билан эълон қилинади. Хусусан, макроиктисодий энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичлари Статистика агентлиги томонидан чораклик тарзда эълон қилинади.

Реал вақт режимида иқтисодий фаолликни таҳлил қилиш муқобил маълумотлар манбаларига таянган ҳолда инновацион ёндашувларни талаб этади. Ҳозирда ушбу йўналишда фойдаланиш қўлами кенгаяётган ёндашувлардан бири интернет қидирув воситаларининг катта ҳажмли маълумотларидан (Google Trends) фойдаланиш ҳисобланади.

Google Trends - google.com/trends веб-саҳифасида интернет фойдаланувчиларининг Google қидирув, Google янгиликлари ёки YouTube’да умумий қизиқишилари ва сўровларини реал вақт режимида акс эттирувчи маълумотлар омборидир.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг кенгайиши билан онлайн платформаларда маълумотлар бойлиги ортиб бормоқда. Google дунёдаги энг кўп фойдаланиладиган қидирув тизими¹ сифатида қидирув сўровларидан келиб чиқиб, фойдаланувчиларнинг қизиқишилари, хавотирлари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни тўплайди.

Nicolas Woloszko² (2020) Google Trends маълумотлари ва машинавий ўрганиш (machine learning) усулларидан фойдаланиб, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) 46 та ва иирик 20 талик давлатлари учун реал вақт режимида ҳафталиқ ЯИМнинг муқобил ўсиш кўрсаткичини кузатиш методологиясини ишлаб чиқкан.

¹ 2023 йил август ҳолатига дунёдаги интернет қидирувларининг 91,7 фоизи Google ҳиссасига тўғри келади. Google орқали тахминан ҳар секундда ўртacha 99 минг, ҳар куни 8,5 миллиард ва йиллик ўртacha 2 трлн. глобал қидирувлар амалга оширилади. <https://seo.ai/>

² “Google Trends ёрдамида реал вақт режимида фаолликни кузатиш”, Nicolas Woloszko, ИХТТ Иқтисодиёт департаменти иш ҳужжатлари № 1634, 2020

ХВЖ экспертлари³ (2021) ҳам Google Trends'нинг катта ҳажмли маълумотлари орқали иқтисодий фаолликнинг юқори частотали кўрсаткичларини ишлаб чиқишиган ва айрим давлатлар мисолида тадқиқотлар қилишиган.

Ушбу тадқиқотда ХВЖ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методологиядан фойдаланган ҳолда Google Trends Big Data омборидан Ўзбекистонга таалуқли маълумотлари асосида ЯИМнинг муқобил кўрсаткичларини баҳолаб, расмий статистик маълумотлар билан таққосланиб, ҳатоликлари баҳоланди ҳамда ушбу олинган натижалардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқилди.

Методология

Google Trends бу маълум бир вақт давомида қидиувга берилган сўз ёки сўз бирикмаларининг такрорланиши сонининг бошқа барча қидиувларнинг жами сонига нисбатини ифодаловчи ўлчовдир. Бунда қидиувларни қидиув берилган жойи (мамлакат ва шахарлар кесимида) бўйича саралаб олиш имконини беради.

Қидиув сўзи шахс ёки ҳодисадан тортиб бизнес ёки муайян маҳсулотни англатиши мумкин. Қидиувда фойдаланилган сўзлар бизнес, саноат ёки маълум бир маҳсулот билан боғлиқ бўлса ушбу қидиувлар тенденцияси маълум даражада иқтисодий фаолликни намоён этиши мумкин.

Мисол учун, Ўзбекистон ҳудудида автомобил нархлари бўйича қидиувлар сони кўпайиши Ўзбекистонда автомобилга бўлган талабни ўзгаришини кўрсатиши мумкин ёки меҳмонхона билан боғлиқ қидиувлар туризм соҳасидаги иқтисодий кўрсаткичларни намоён этиши мумкин.

Google Trends мавзулар ўртасидаги таққослашни осонлаштириш учун қидиув маълумотларини нормаллаштиради⁴. Қидиув натижалари қуйидаги жараён орқали сўровнинг вақти ва жойига мослаштирилади:

- бошқа мавзуларга нисбатан оммабопликни солиштириш учун ҳар бир маълумот бўйича қидиувлар сони географик ва вақт оралиғидан келиб чиқиб умумий қидиувлар сонига бўлинади;


³ Paul Austin, Marco Marini, Alberto Sanchez, Chima Simpson-Bell, ва James Tebrake, 2021, "Using the Google Places API and Google Trends Data to Develop High Frequency Indicators of Economic Activity"

⁴ Қидиув сўзининг оммабоплигидан келиб чиқиб, маълум бир жой ва давр оралиғи учун индексга ўтказади. <https://support.google.com/trends>

- олинган натижа мавзунинг барча қидирувларга нисбати асосида 0 дан 100 гача бўлган оралиқда ўлчанади.

Масалан, Ўзбекистонда “мехмонхона” сўзининг сўнгги 5 йил давомида қидирудаги оммабоплиги унинг 2020 йил пандемия даврида сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатмоқда (1-расм).

1-расм. Google Trends бўйича Ўзбекистонда сўнгти 5 йилда “мехмонхона” қидирув мавзуси индекси



Манба: Google Trends – 2023 йил, ноябрь

Қидирув оммабоплиги индексини ҳисоблаш усулини қуйидаги мисол орқали кўриб чиқиш мумкин. Фараз қилайлик, маълум бир ҳудудда 1 ҳафта давомида Google бўйича жами қидирувлар сони 1000 тани ташкил этди. Шундан, 100 та қидирув “мехмонхона” сўзига боғлиқ бўлди. “Мехмонхона” мавзусига қизиқишилик даражаси (қидирув интенсивлиги) - $100/1000 = 0.1$ га teng. Ҳар ҳафта учун “мехмонхона” мавзусига қизиқишилик даражаси шу тартибда ҳисоблаб борилади. Олинган натижаларда қидирув интенсивлиги энг юқори бўлган ҳафта кўрсаткичини энг юқори индексга – 100 га тенглаштирилади, қолган ҳафталар индекси мос равишда пропорционал қайта ҳисобланади ва қидирув сўзи бўйича якуний қидирув оммабоплиги индекси динамикаси шакллантирилади (1-жадвал).

Google Trends веб-саҳифасида реал вақт режимидағи Big Data маълумотларидан фойдаланиб юқорида келтирилган алгоритм асосида барча қидирувлар бўйича қидирув оммабоплик индекси динамикасини юклаб олиш имконияти мавжуд.

1-жадвал. Google Trends индекси ҳисоб-китоби намунаси.				
Ҳафталар	Жами қидиувлар сони	“Меҳмонхона” мавзусидаги қидиувлар сони	Қидиув интенсивлиги	Google Trends индекси
1	1000	100	0.1	50
2	1500	75	0.05	25
3	2000	200	0.1	50
4	3000	600	0.2	100
5	1000	150	0.15	75

Google Trends маълумотларидан фойдаланишдаги энг асосий қийинчиликлардан бири бу фойдаланувчиларнинг деярли чексиз қидиувларини ҳозирги иқтисодий тенденцияларни кўрсатадиган мазмунга келтириш ҳисобланади.

Шу билан бирга, Google Trends платформаси қидиув сўзининг мазмунидан келиб чиқиб, ушбу қидиув мавзусига оид (*айнан қидиув сўзи иштирок этмаган бўлса ҳам*) базадаги мавжуд барча қидиувларни умумлаштирилган тоифаларга (категориялар) ажратиш имконини беради. Масалан, “компьютер ва электроника” категорияси танланганда ушбу соҳага таалуқли барча қидиувларни қамраб олади.

Навбатдаги вазифа эса категорияларга ажратилган маълумотларни иқтисодчилар ва қарор қабул қилувчилар кузатиб борадиган анъанавий расмий статистика кўрсаткичларига мос кўринишга келтиришдир.

Расмий статистикада иқтисодий фаоллик турлари тизимли равишда умумлаштирилди ва таснифланади. Бунда, БМТнинг “Барча иқтисодий фаолият турларининг халқаро стандартлаштирилган таснифи”дан (ISIC)⁵ фойдаланилди (1-илюе).

ХВЖ эксперларига кўра⁶, Google Trends маълумотларини ушбу умумий қабул қилинган халқаро стандарт бўйича таснифлаш иқтисодий фаолликнинг муқобил кўрсаткичларини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Кейинги босқичда Google Trends категориялари ISIC стандарти бўйича қайта гурухланади ва ушбу ISIC бўйича қайта шакллантирилган категориялар учун ўртачалаш усули орқали индекслари ҳисобланади.

⁵ International Standard Industrial Classification of All Economic Activities, Revision 4., UN, 2008

⁶ Paul Austin, Marco Marini, Alberto Sanchez, Chima Simpson-Bell, ва James Tebrake.

Амалий қўлланилиши

Юқорида келтирилган методология асосида Google Trends маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистон ЯИМ кўрсаткичи динамикасини муқобил кўрсаткичлар орқали баҳолаш имкониятлари кўриб чиқилди.

Таҳлил учун Ўзбекистонда сўнгти 5 йилда Google Trends'нинг категориялар бўйича маълумотлар базаси юклаб олинди⁷.

Кейинги босқичда word2vec (natural language processing - NLP) махсус кутубхонасидан фойдаланиб, Google Trends тоифалари ISIC стандарти бўйича тавсифга мослаштирилди. Шакллантирилган категориялар бўйича ўртачалаш орқали индекс ҳисобланди.

Қидирув интенсивлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўплаб омиллар мавжудлиги учун ҳафталик тенденциялар 5 ҳафталик сирғалувчи ўртacha (moving average) усули ёрдамида ўртачалаштирилди.

Ойлик ва чораклик тенденцияларни ҳисоблаш учун ҳафталик тенденциялар мос равишда ҳисоблаб чиқилди. Кўрсаткичларнинг ўзгариши эса ўтган йилнинг мос даврига таққосланди.

Натижалар

Статистика агентлиги томонидан ЯИМнинг ишлаб чиқариш томондан тақдим этиб бориладиган статистикаси ва Google Trends бўйича олинган натижалар таққосланди (1-6-расмлар).

Графиклардан Google Trends асосида ҳисобланган кўрсаткичлар расмий статистик маълумотлар билан деярли бир хил йўналишда (қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларидан ташқари) шаклланганлигини кўришимиз мумкин.


Хусусан, саноат статистикаси бўйича Google Trends ва расмий статистика ўртасидаги корреляция коэффициенти 0,77 га teng бўлиб, бу икки кўрсаткич ўртасидаги юқори ижобий корреляция мавжудлигини кўрсатади.

Корреляция коэффициенти кўрсаткичи савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида 0,71 га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида 0,88 га, бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасида 0,84 га teng бўлиб, Google Trends асосида ҳисобланган


⁷ Маълумотлар таҳлили R таҳлилий дастурий таъминотида амалга оширилди. Маълумот базасини юклаб олишда gtrendsR кутубхонасидан фойдаланилди.

күрсаткичлар расмий статистик күрсаткичларни юқори даражада ифодалаётганини қайд этиш мүмкін. Бу расмий статистик күрсаткичлар эълон қилингунинга қадар Google Trends маълумотлари асосида иқтисодий фаолликни баҳолашга ва таҳлил қилишга имкон беради.


1-расм. Саноат, фоизда (кумулятив)




2-расм. Қурилиш, фоизда (кумулятив)




3-расм. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, фоизда (кумулятив)




4-расм. Ташиба сақлаш, ахборот ва алоқа, фоизда (кумулятив)



5-расм. Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш, фоизда (кумулятив)



6-расм. Қишлоқ хўжалиги, фоизда (кумулятив)



Қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳасида Google Trends билан корреляция коэффициенти мос равиша -0,4 ва -0,47 га тенг бўлиб, улар ўртасида тескари корреляция мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу ушбу соҳаларда Google қидирув тизимидан кенг фойдаланилмаслиги ёки Google қидирув тизимининг ушбу соҳалар динамикасини кўрсатиб бера олиш имконияти чекланганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Умуман олганда, Google Trends маълумотларининг реал вақт режимида янгиланиб бориши ва унинг расмий статистик маълумотлар билан юқори корреляцияси инобатга олинса, Google Trends марказий банкка расмий статистик маълумотлар эълон қилингунга қадар реал вақт режимида иқтисодий фаоллик динамикасини кузатиш имконини беради.

Келгуси таҳлилларда Google Trends маълумотларидан фойдаланиб иқтисодий фаолликнинг бошқа кўрсаткичларини ҳам баҳолаш ва ЯИМнинг қисқа муддатли прогнозларини (nowcasting) ишлаб чиқиши режалаштирилган.

**ISIC стандарти бўйича Google Trends категорияларининг
иқтисодий фаоллик соҳаларига бирлаштирилиши:**

Қишлоқ хўжалиги	Экинлар ва уруғлар, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги техникаси, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ўрмон хўжалиги, боғдорчилик ва соҳага оид бошқа категориялар.
Саноат	Кўмир, нефт, табиий газ қазиб олиш, нефт ва табиий газ қазиб олиш фаолиятни қўллаб-қувватлаш, гўштни қайта ишлаш ва сақлаш, макарон ва шунга ўхшаш унли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тайёр овқатлар ва идишларни ишлаб чиқариш, трикотаж ва трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш, фармацевтика, доривор кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сувни йифиш, тозалаш ва етказиб бериш, материалларни қайта тиклаш ва соҳага оид бошқа категориялар.
Қурилиш	Биноларни қуриш, автомобил ва темир йўлларини қуриш, коммунал лойиҳаларни қуриш, муҳандислик лойиҳаларини қуриш, сантехника, иссиқлик ва кондиционерларни ўрнатиш, бошқа ихтисослаштирилган қурилиш фаолияти ва соҳага оид бошқа категориялар.
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	Автотранспорт воситаларини сотиш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглаш, қишлоқ хўжалиги машиналари ва улгуржи савдоси, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ва тегишли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси, ихтисослашган дўконларда ичимликлар, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси, дўконларда чакана савдо, ресторонлар ва кўчма овқатланиш хизмати, бошқа озиқ-овқат хизматлари фаолияти ва соҳага оид бошқа категориялар.
Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа	Йўловчи темир йўл транспорти, шаҳарлараро, темир йўл юк ташиб, шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчи ташиб, қуруқликдаги транспорт хизматлари, автомобил транспортида юк ташиб, сув транспорти билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти, сақлаш ва соҳага оид бошқа категориялар.
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	Кино, видео ва теледастурларни ишлаб чиқариш фаолияти, радиоэшиттириш, молиявий хизматлар, ҳаёт суғуртаси, суғурта агентлари ва брокерлар фаолияти, кўчмас мулк фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолияти, солиқ маслаҳати, реклама, вақтинчалик бандлик агентлиги фаолияти, ўрта маҳсус ва касб-ҳунар таълимни, олий таълим, турар-жой, тиббиёт муассасалари, сартарошлик ва соҳага оид бошқа категориялар.